

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМий АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

НАБИЕВА ИРОДА ФАЙЗУЛЛАЕВНА

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ҚУРУҚ КЎЗ
СИНДРОМИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.03 – Эндокринология

14.00.08 – Офтальмология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Набиева Ирода Файзуллаевна

Қандли диабет билан оғриган беморларда курук кўз
синдромини комплекс даволашни оптималлаштириш..... 3

Набиева Ирода Файзуллаевна

Оптимизация комплексной терапии синдрома
сухого глаза у больных сахарным диабетом..... 23

Nabieva Iroda Fayzullaevna

Optimization of complex therapy of the syndrome
dry eye in diabetic patient..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМий АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

НАБИЕВА ИРОДА ФАЙЗУЛЛАЕВНА

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ҚУРУҚ КЎЗ
СИНДРОМИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.03 – Эндокринология

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1485 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг (www.ziynet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Хайдарова Феруза Алимовна
тиббиёт фанлари доктори

Нарзикулова Кумрижон Исломовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Юсупов Амин Азизович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Урманова Юлдуз Махкамовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Н.Н.Бурденко номидаги Воронеж Давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «05» октябр соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (787 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» сентябр да тарқатилди.

(2021 йил «15» сентябр даги _____ рақамли реестр баённомаси).



А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Б.Х. Шагазатова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбиги ва зарурияти. Қандли диабет XXI асрнинг ўта мухим глобал тиббий-ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Дунёда International Diabetes Federation IDFnинг маълумотларига кўра, «...қандли диабет билан хасталанган беморларнинг умумий сони 463 млн инсонни ташкил қилади, 2030 йилга келиб қандли диабетли беморлар сони 578 млн дан ошиши тахмин қилинмоқда...»¹. Организмдаги метаболик бузилишлар қандли диабет асоратларини ривожланишининг асоси ва “қуруқ кўз” синдроми (ҚКС) ривожланишининг бош сабабларидан биридир. Ҳозирги кунда ҚКС кўз юзасини энг кенг тарқалган сурункали касалликларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари бўйича, «...қандли диабет билан оғриган беморларнинг 35-55%да ҚКС кузатилади...»². Шундай қилиб, эпидемиологик маълумотлар таҳлили кўрсатдики, ҳозирги вақтда қандли диабет билан касалланиш ошганлиги, асоратларнинг кенг тарқалганлиги кузатилмоқда, шунинг учун ҳам кўз асоратларини эрта ташхислаш ва олдини олиш масалалари диабетолог ва офтальмологларнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қандли диабет билан оғриган беморларда қуруқ кўз синдромини комплекс даволашнинг оптималлаштиришга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада иккинчи типдаги қандли диабетга эга беморларда қуруқ кўз синдроми тарқалиши, кўз ёш пардаси функционал ҳолатига гликемия ва дислипидемиянинг таъсирини, қуруқ кўз синдромини ривожланишига кўз юзаси диабетик нейропатияси маҳаллий белгиларини таъсирини, кўз ёш ўрнини босувчи дори воситалари гуруҳидан маҳаллий дори воситаларини киритиш ҳамда офтальмоэндокринологик амалиётда иккинчи типдаги қандли диабетга эга беморларда қуруқ кўз синдроми даволаш масалалари ҳозирги вақтда тўлиқ ечимини топилмаганлигини инобатга олиб, самарали даволаш тартибини амалиётга татбиқ қилиш чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолининг турли қатламлари орасида соматик касалликларни олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда қандли диабет билан

¹ IDF Atlas 2019 9th edition

²Caffery B., Srinivasan S., Reaume C.J. et al. Prevalence of dry eye disease in Ontario, Canada: A population-based survey. // The Ocular Surface. – 2019. - 17(3). – P. 526-531.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

хасталанган беморларда қуруқ кўз синдромини комплекс даволашнинг оптималлаштиришга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қандли диабетда қуруқ кўз синдромининг тарқалиши, патогенези, клиник намоён бўлиши ва даволаш масалалари хорижий олимлар ишларида акс эттирилган (Liu H., Sheng M. 2015; Beckman K.A. 2014). Бироқ, гликемия ва дислипидемия даражасига ва гипогликемик жараёни даволашга боғлиқ ҳолда қандли диабетда ҚКСни клиник белгиларини динамикасига бағишлаган тадқиқотлар, бизлар учун фойдаланиш имкони бўлган адабиётларда аниқланмади. Ҳозирги вақтда ҚКСни даволаш масалалари бутун жаҳон офтальмологларининг диққат марказида қолмоқда (Бржеский В.В. 2017; Stevenson W. 2012).

Адабиёт маълумотлари шундан гувоҳлик берадики, ҚКСли беморларни дори воситалари билан даволаш самарадорлиги кўп ҳолларда унинг оғирлик даражасига боғлиқ бўлади. Бироқ бунда беморларга буюриладиган дори воситали даволаш ҚКСнинг шаклига боғлиқ ҳолда этиологик йўналтирилган ва патогентик асосланган бўлиши лозим (Прозорная Л.П., Бржеский В.В. 2013). Қандли диабетда қуруқ кўз синдроми ривожланишида бошланғич механизм бўлиб, кўз ёшини кимёвий таркибини ўзгаришига олиб келувчи гипергликемия ва дислипидемия, кўринишидаги метаболик бузилишлар ҳисобланади. Гипергликемия кўз ёшини ишлаб чиқарилишини пасайтирувчи, кўз ёши безларидаги гистологик ўзгаришларнинг индикатори бўлиб ҳисобланиши исботланган (Imam S., Elagin R.V., Jaume J.C. 2013). Қандли диабетда нейропатик бузилишлар фонидagi нейропатия шоҳ парда - конъюнктивал ксерозни жадаллашишига олиб келувчи, қўшимча омил бўлиб ҳисобланади. Ҳаммабоп бўлган адабиётларда қандли диабет негизида шоҳ парда - конъюнктивал ксерозни даволаш тактикасига алоқадор бўлган унча кўп сонда бўлмаган хабарлар мавжуд ва беморларда «сунъий кўз ёши» дори воситасини қўллаш натижасининг таҳлили мавжуд эмас (Achtsidis V., Eleftheriadou I., Kozanidou E. 2014). Гипогликемик ва кўз ёши ўрнини

босувчи даволашни бирга таъсир эттириш йўли билан ҚДда ҚКСни самарали даволаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган, бунда даволаш алгоритми ишлаб чиқилмаган.

Бизнинг мамлакатимизда ҳозирги кунда кўриш тизими касалликларни самарали ташхислаш ва даволашнинг патогенезини ўзига хос жиҳатларини баҳолашни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор ишлар амалга оширилган (Камилов Х.М., Баҳритидинова Ф.А., Билалов Э.Н., Юсупов А.Ф., 2010), 2008 йилда муаллифлар томонидан (Макарова Е.К. 2008) ўзбек ва рус тилларида фақат 2008 йилда муаллифлар томонидан (Макарова Е.К. 2008) ўзбек ва рус тилларида куруқ кўз синдроми скрининги бўйича мослаштирилган валид саволномаси ишлаб чиқилган, аммо қандли диабет билан хасталанган беморларда куруқ кўз синдромини комплекс даволашни оптималлаштиришга бағишланган ишлар амалга оширилмаган.

Сўнги ўн йилда республикада фармакология саноатини жадал ривожланиши, янги маҳаллий, жумладан офтальмология профилидаги дори воситалари ҳисобига дори воситалар арсеналини сезиларли кенгайтиришга олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Фармакология Қўмитаси қарори бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг офтальмология клиникаларида дори воситаларини офтальмология амалиётида қўллаш мумкин бўлган предмет препаратларини клиник синовини ўтказилди. Шу билан боғлиқ ҳолда ҚДли беморларда ҚКСда кўз ёши ўрнини босувчи даволашда маҳаллий, самарали, иқтисодий жиҳатдан ҳаммабоп бўлган кўз томчиларидан фойдаланиш, ҳозирги кунда катта қизиқишни ташкил этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Офтальмология амалиётида айрим кўз касалликларини профилактикаси, ташхислаш ва даволашда янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва даволаш усулларини татбиқ этиш» мавзуси (2018-2022 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қандли диабет билан хасталанган беморларда куруқ кўз синдромини клиник кечишнинг ўзига хосликлари ҳисобга олган ҳолда мажмуавий даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

худудларда скрининг–сўровномасини ўтказиш йўли билан иккинчи типдаги қандли диабетга эга беморларда куруқ кўз синдроми тарқалиши ва клиник шакллари баҳолаш;

иккинчи типдаги қандли диабетга эга беморларда куруқ кўз синдромини клиник намоён бўлиши ва кўз ёш пардаси функционал ҳолатига гликемия ва дислипидемиянинг таъсирини баҳолаш;

иккинчи типдаги қандли диабетга эга беморларда куруқ кўз синдромини ривожланишига кўз юзаси диабетик нейропатияси маҳаллий белгиларини таъсирини баҳолаш;

иккинчи типдаги қандли диабетга эга беморларда қуруқ кўз синдромида кўз ёш ўрнини босувчи дори воситалари гуруҳидан маҳаллий дори воситаларини киритиш билан мажмуавий даволаш самарадорлигини баҳолаш;

Республиканинг офтальмоэндокринологик амалиётида қуруқ кўз синдроми билан асоратланган иккинчи типдаги қандли диабетга эга беморларни кузатиш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019 йилдан 2021 йилгача Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академиясининг иккинчи клиникаси маслаҳат поликлиникаси офтальмология кабинети ва эндокринология бўлимидан рўйхатдан ўтган 18-70 ёшдаги иккинчи типдаги қандли диабет билан хасталанган 1240 беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қандли диабет негизида қуруқ кўз синдромини ташхисланган беморларнинг даволаш жараёнида кўриш органининг клиник-функционал ва лаборатор текшириш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумофтальмологик ва махсус (бинокуляр кўриниш синоптофорда текшириш, кератотопография, олдинги оптик когерент томография, кўз ёши плёнкасининг узилиши вақтини аниқлаш, тўр пардани сезувчанлигини Кокету-Бонна, Ширмер ва Норн тести, мейбография) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

OSDI сўровномаси, Ширмер ва Норн тестларини киритиш билан мажмуавий скрининглаш асосида, иккинчи типдаги қандли диабетда ҚКСни тарқалиши ва клиник шакллари ўзига хосликлари асосланган;

кўз ёш бирлигининг функционал кўрсаткичлари ва лаборатория маълумотларини корреляцион таҳлил қилиш асосида иккинчи типдаги қандли диабетда кўз тизими ҳолати билан гликемия ва дислипидемия орасида боғлиқлик аниқланган;

Кокет-Бонн усули билан шох пардани эстезиометрлашда сезувчанликни тадқиқ қилиш натижалари асосида иккинчи типдаги қандли диабетда ҚКС патогенезида диабетик нейроптиянинг ўрни баҳоланган;

ҚКСни даволашда маҳаллий кўз ёш ўрнини босувчи дори воситаси «Кератроп»ни патогенетик таъсири асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иккинчи типдаги қандли диабетда клиник аҳамиятли ҚКСнинг ривожланиши олиб келувчи гликемия ва дислипидемиянинг чегаравий кўрсаткичлари корреляцион таҳлил асосида аниқланган;

касалликнинг клиник-функционал кўрсаткичлари динамикасини баҳолаш асосида, кўз ёш ўрнини босувчи препаратларни қўллаш ва гликемияни назорат қилишни киритиш билан иккинчи типдаги қандли диабетда ҚКСни мажмуавий даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ҚКС кўрсаткичларининг динамик мониторинги асосида, иккинчи типдаги қандли диабетда ҚКСни мажмуавий даволашда янги маҳаллий кўз

ёш ўрнини босувчи препаратни клиник самарадорлиги ва ҳавфсизлиги аниқланган;

олиб борган тадқиқотлар натижалари бўйича «Кератроп» дори воситаси республиканинг офтальмология амалиётида қўллаш учун Ўзбекистон республикаси Фармакологик қўмитаси томонидан рухсат берилган (2020 йил 22 апрелида берилган № DV/M 03082/04/20 гувоҳнома)

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, қандли диабет билан хасталанган беморларда қуруқ кўз синдромини комплекс даволашнинг оптималлаштиришда статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диабетик нейропатия, функционал кўз ёш бирлиги бузилишини клиник белгилари билан гликемия ва дислипидемия белгилари корреляциясини мажмуавий таҳлил қилиш, иккинчи типдаги қандли диабетда қуруқ кўз синдроми билан патогенетик алоқаси ҳамда ишлаб чиқилган даволаш алгоритмининг самарадорлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иккинчи типдаги қандли диабетда қуруқ кўз синдромининг клиник белгиларини динамик мониторинги асосида гликемия, дислипидемия ва диабетик нейропатияни коррекция қилиш бўйича ҳам, янги кўз ёш ўрнини босувчи дори воситалари билан маҳаллий даволаш ҳам, киритилган мажмуавий даволаш алгоритмининг самарадорлигини баҳолаш имконияти, беморларнинг ҳаёт сифати яхшилашнинг оптмал варианты яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий этилиши. Қандли диабет билан оғриган беморларда қуруқ кўз синдромини комплекс даволашнинг оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қандли диабетда қуруқ кўз синдромини даволашни такомиллаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 апрелдаги 8 н–д/ 134-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қандли диабет касаллигини натижасида қуруқ кўз синдромини ташхислаш ва самарали даволаш тизимини такомиллаштириш имконини берган;

қандли диабет билан хасталанган беморларда қуруқ кўз синдромини комплекс даволашнинг оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонаси клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 31 июлдаги 08-09/9347-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг

амалиётга жорий қилиниши функционал бирлик кўрсаткичларини динамик мониторинги натижасида базавий гипогликемик даволаш ҳам кўз ёш ўрнини босувчи дори воситалари билан маҳаллий даволаш натижасида қандли диабет иккинчи турида қуруқ кўз синдромини мажмуавий даволаш энг юқори самарадорлиги таъминлаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, ишнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қандли диабетда қуруқ кўз синдромини баҳолашнинг замонавий талқини**» деб номланган бобида бешта кичик бобдан ташкил топган адабиётлар таҳлили акс эттирилган, унда қандли диабетда ҚКС муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. ҚКСни ташхислаш, унинг патогенези, даволаш асосларига бағишланган масалалар, адабиёт маълумотлари таҳлилининг кенгайтирилган кўриниши берилган. Бобда ҚКСни даволашдаги маҳаллий ва хорижий олимларни замонавий илмий ютуқлари батафсил баён этилган. Дори воситалари бўйича адабиёт маълумотлари ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида қўлланилган усуллар ва клиник материалларнинг умумий тавсифи баён этилган бўлиб, улар 2016 йилдан 2020 йиллар давомида ТТАнинг кўп тармоқли клиникаси ва академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббий маркази базаларида ўтказилган.

Тадқиқотлар изчил кечувчи 3 босқични қамраб олган: 1 босқич- ҚДли беморларда ҚКС ни тарқалиши баҳоланган. ҚКСни мавжудлигига иккинчи типдаги қандли диабетли 1240 нафар беморларни скринингини қамраб олган; 2 босқич – қандли диабетда ҚКС ни ўзига хослиги баҳоланган. 120 нафар беморларда ҚКС кўрсаткичлари ва ДПН кечишини тавсифловчи кўрсаткичлар, эндокринологик кўрсаткичларнинг мажмуавий таҳлилини қамраб олган; 3 босқич-ҚД беморларида ҚКС ни коррекциялашда кўз ёш ўрнини босувчиларни самарадорлиги баҳоланган. 89 нафар беморларда кўз ёш ўрнини босувчилар гуруҳидан дори воситаларни маҳаллий қўллаш самарадорлигини баҳолашни қамраб олган.

ҚД билан хасталанган беморларда ҚКС ни тарқалишини баҳолаш ТТАнинг кўп тармоқли клиникаси ва академик Ё.Х Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббий марказининг эндокринологик кабинетларида ўтказилди.

Жами бўлиб иккинчи типдаги қандли диабетли 1240 нафар беморлар текширувдан ўтказилган. Беморларнинг ёши 32 дан 65 ёшгача ораликни ташкил этди. Гендер белгилари бўйича тақсимланиши: 760 нафар аёллар (61,3%) ва 480 нафар эркаклар (38,7%). Текширилган беморлардаги ҚДнинг давомийлиги 4 йилдан 25 йилгачани ташкил этди.

Барча беморлар офтальмологик текширишлар мажмуасидан ўтказилди. Текширишлар қуйидагиларни ўз ичига олди: Ocular Surface Disease Index (OSDI)13, мослаштирилган сўровномаси ёрдамида беморларда анкета сўровини амалга ошириш; умумий кўз ёши ажралишини текшириш (Ширмер тести); кўз ёш пардасини ёрилиш вақтини аниқлаш (КПЁВА).

ҚДда ҚКС ни ўзига хосликларини ўрганиш академик Ё.Х Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббий марказининг офтальмология бўлимида бажарилди. Тадқиқотларга ҚКСли 2 тип ҚД билан хасталанган 120 нафар беморлар киритилган бўлиб, ҚДни давомийлиги 3 йилдан 24 йилгача бўлган муддатни ташкил этди, улардан 79 нафар аёллар ва 41 нафар эркаклар бўлиб, уларнинг ўртача ёши $53,5 \pm 9,6$ йилни ташкил этди.

ҚДли беморларда ҚКСни коррекция қилишда кўз ёш ўрнини босувчиларнинг самарадорлигини баҳолаш ТТА кўп тармоқли клиникасининг офтальмология ва эндокринология бўлимлари базасида ўтказилди. Тадқиқотларга ўрта ва енгил даражадаги ҚКСнинг қўйилган ташхиси бўлган 89 нафар беморлар (178 кўз) киритилди.

Тадқиқотларда иштирок этган барча беморлар ҚДни типи ва оғирлик даражаси, гликемия миқдори, ёши, жинси, ҚКС даражаси бўйича бир хилда бўлган 3 гуруҳга тақсимланди.


Асосий гуруҳ - 30 нафар беморлар бўлиб, улардан I даражали ҚКС - 14 (46,7%), II даражали ҚКС-16 нафар беморлар (53,3%). Компенсацияланмаган кечишли ҚДда, гликемия даражаси ўртача $10,4 \pm 1,24$ ммоль/лни ташкил этди. Беморларга 14 кун давомида кунига 2 марта Кератроп дори воситаси томизилди.

Қиёсий гуруҳ - 30 нафар беморлар бўлиб, улардан I даражали ҚҚС - 12 (40%), II даражали ҚҚС-18 нафар беморлар (60%). Компенсацияланмаган кечишли ҚДда, гликемия даражаси ўртача 11,1+2,1 ммоль/л ни ташкил этди. Беморларга 14 кун давомида кунига 2 марта Слезол дори воситаси томизилди.

Назорат гуруҳи - 29 нафар беморлар бўлиб, улардан I даражали ҚҚС - 15 (51,7%), II даражали ҚҚС-14 нафар беморлар (48,3%). Компенсацияланмаган кечишли ҚДда, гликемия даражаси ўртача 11,4+1,7 ммоль/л ни ташкил этди. мазкур гуруҳ беморлари «сунъий кўз ёши» дори воситасини томизмадилар.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар, Intel Core i3 шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2013 стандарт офис дастурлари тўпламидаги махсус функциялар ёрдамида статистик ишланди.

Диссертациянинг «Қандли диабетда қуруқ кўз синдроми кечишини ўзига хосликлари ва эпидемиологиясини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида тадқиқотнинг дастлабки икки босқичида олинган натижалар келтирилган. ҚДли беморларда ҚҚСни тарқалишини аниқлаш учун КПЁВАни аниқлаш ва Ширмер тести ёрдамида кўз ёши ажралиб чиқишини ўрганиш, OSDI сўровномасини рус ва ўзбек тилларига мослаштириш ёрдамида анкета сўровномаси ўтказилди.



1-расм. I ва II турдаги қандли диабетда қуруқ кўз синдроми тарқалиши.

Олинган маълумотлар таҳлилида ҚҚСни мавжудлигининг мезони бўлиб, 3 асосий кўрсаткичлардан биронтасини меъерий белгилардан силжиши бўлиб ҳисобланди. Тадқиқот натижалари 2 типдаги ҚД билан оғриган беморларни 795 (64,1%) нафарида ҚҚСни мавжудлигини аниқладилар. Кўз ёш мажмуасининг компонентларини бузилишига боғлиқ ҳолда ҚҚСни учраш типини таҳлилида ўрнатилдики, 2 тип ҚД беморларида ҚҚСни секретор типи энг кўп (6%) учради, бунда белгилар мажмуаси кўз ёш суюқлиги ажралиб чиқишини пасайиши оқибатида ривожланди. ҚҚСнинг эвапорик типи, 36 нафар беморларда ўз ўрнига эга бўлиб, бунда кўз ёш пардаси турғунлигини

бузилиши алохидалашган бузилишга (шоҳ парда юзасидан кўз ёшини тезда буғланиб кетиши) ўз ўрнига эга бўлади. Ниҳоят жуда кўп ҳолларда беморларда ҚҚСни аралаш типи учрайди, бунда ҳар икки компонент ҳам ўз ўрнига эга бўлади (1-расмга қаранг). ҚДнинг давомийлиги бўйича ҚҚС аниқланган беморларни тақсимланиши шуни кўрсатдики, 312 ҳолатда (39,2%) касаллик давомийлиги 10 йилдан кам вақтни ташкил этган бўлса, 483 ҳолатда (60,8%) 10 йилдан кўпни ташкил этди.

Агар бунда ҚҚСнинг асосий кўрсаткичларидаги ўзгаришлар таҳлил қилинса, у ҳолда кўринадики, касаллик давомийлиги 10 йилдан кам бўлган беморларда, ҚДнинг давомийлиги 10 йилдан кўп бўлган беморлар билан таққосланганда (54%), кўпроқ ҚҚСнинг яққол намоён бўлган субъектив белгилари (86%) аниқланди, бу OSDI бўйича анкета сўровномаси натижаларида акс этди. Касаллик давомийлиги 10 йилдан ортиқ бўлган беморларда кўпроқ объектив кўрсаткичларнинг яққол намоён бўлган пасайиши аниқланди: кўз ёш пардасининг турғунлиги (давомийлиги 10 йилдан кам бўлишида КПЕВАни 27%га нисбатан 56% ҳолатда пасайиши) ва кўз ёшини ишлаб чиқарилиши (давомийлиги 10 йилдан кам бўлган ҳолатларида 14,4%га нисбатан 18,6%га пасайиши) (2- расмга қаранг).



2-расм. Қандли диабет касаллигини давомийлигига боғлиқ ҳолда қуруқ кўз синдроми кечишини ўзига хосликлари.

Текширилган гуруҳлардаги ҚДнинг 2 типи давомийлигини ўртача кўрсаткичлари ўртасидаги корелляцион алоқанинг таҳлили 1 жадвалда тақдим этилган. Статистик таҳлил касалликнинг давомийлиги ҳамда ҚҚСнинг субъектив ва объектив кўрсаткичларининг намоён бўлиши ўртасида тесқари кучли корелляцион алоқа мавжуд эканлигини кўрсатди. Агарда ҚДнинг давомийлигини ортиши билан умумий кўз ёш ишлаб

чиқариш ва КПЁВА кўрсаткичлари ишончли пасайса ($r = -0,64$; $r = -0,84$), ҚДнинг давомийлигини ортиши билан субъектив симптоматикани намоён бўлиши ишончли пасаяди ($r = -0,87$).

1-жадвал

Беморлардаги қандли диабет давомийлиги билан қуруқ кўз синдроми кўрсаткичларини боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	Белгилар		Умумий гуруҳдаги ҚДнинг ўртача стаджи, йил	Корреляцион алоқа (r)
	М	m		
OSDI, балл	28,1±4,24		11,31±2,12	-0,87
Ширмер тести, мм	13,26±0,71			-0,84
КПЁВА, сек	7,52±1,41			-0,64

Бизнинг тадқиқот натижаларимиз иккинчи типдаги қандли диабетга эга беморлар орасида ҚКСни тарқалганлиги 64%ни ташкил этганлигини кўрсатди, бу эса хорижий олимлар маълумотларидан сезиларли даражада юқоридир. Бунда шуни таъкидлаш лозимки, аксарият аниқланган ҳолатлар—объектив тадқиқот маълумотлари умумий кўз ёш ишлаб чиқариш ва КПЁВАни аниқлаш билан тасдиқланди. Бунда беморларнинг катта қисмида ҚКСни аралаш типини мавжудлиги ўзига эътиборни тортади, бу шуни кўрсатадики, ҚДда барча СФЁнинг мажмуавий шикастланиши юзага келади.

2-жадвал


Касалликнинг турли давомийлигида беморларда қуруқ кўз синдроми ва гликемик кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш

Кўрсаткичлар	ҚДнинг II тури (n=120)		Назорат гуруҳи (n=40)
	Стаж<10 йил (n=46)	Стаж>10 йил (n=74)	
NSS шкаласи, балларда	3,22±0,26*	5,14±0,34	1,2±0,42
NDS шкаласи, балларда	4,65±0,71*	6,25±0,75	1,54±0,22
Гликирланган гемоглобин даражаси, (%)	6,92±0,08*	7,15±0,05	-
OSDI бўйича ўртача балл, (балларда)	24,54±3,14*	18,3±2,26	10,22±2,23
Ширмер тести, (мм)	8,2±1,2*	5,4±1,1	9,8±4,2
КПЁВА, (сек)	8,63±0,41*	7,22±0,6	10,12±3,14
Мейбография, (МЖ тушиш оқимларини ўртача %)	16,5±3,5*	28,5±2,5	4,5±1,2
Шоҳ парданинг сезувчанлиги, (мм)	57,7±1,1*	52,35±1,05	58,1±0,6

Изоҳ: * - >10 йиллик касалланиш даврида беморларнинг кичик гуруҳи билан солиштириш бўйича фарқлар статистик аҳамиятли ($P<0,05$);

Шундай қилиб, ҚДда ҚКСни тарқалиши бўйича маълумотлар мазкур контингент беморлар орасида ушбу офтальмологик патологиянинг сони

етарли даражада юқори экани аниқланди. ҚҚС диабетик ретинопатия каби кўриш ўткирлигида жуда ҳам сезиларли ўзгаришларга олиб келмаслигига қарамасдан, у ҚДнинг офтальмологик асоратларини тарқалиши ва аҳамиятлилиги бўйича иккинчи ўринда ҳисобланади, бу эса уни чуқур таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради. Гликирланган гемоглобин, ДПН ва ҚҚС кўрсаткичларини мажмуавий текшириш натижалари 2-жадвалда тақдим этилган. NSS шкаласи бўйича ДПНнинг субъектив намоён бўлишини таҳлилида касаллик давомийлиги 10 йилдан ортиқ бўлган ҚДли беморларда NSS шкаласининг ўртача белгилари, касаллик давомийлиги 10 йилдан кам бўлган беморлардаги худди шу каби кўрсаткичлардан устунликка эга бўлганлиги аниқланди



3-расм. Қандли диабетли беморларда қуруқ кўз синдроми манифестациясининг кўрсаткичлари

Шунингдек, NDS шкаласи бўйича сенсор тест оғирлигини аниқлашда маълум бўлдики, ҳар икки гуруҳдаги беморларда балларнинг ўртача белгилари ўртасидаги фарқ статистик аҳамиятли бўлди ва давомийлиги 10 йилдан ортиқ

бўлган беморлар кўрсаткичлари сезиларли даражада юқори бўлди. Худди шу каби тенденция гликирланган гемоглобин кўрсаткичларида ҳам аниқланди. Бирламчи гуруҳ беморларидаги гликемик статуснинг ўртача кўрсаткичлари турғун бўлиб ҳисобланади, йўл қўйиладиган параметрларга мос келади ва гликемиянинг мақсадли даражаси ютуқларидан гувоҳлик беради, бунда II гуруҳ беморларидаги худди шу каби кўрсаткичлардан фарқли равишда ҚДнинг асоратларининг ривожланиш эҳтимоллиги паст. Шоҳ парданинг сезувчанлиги ва диабет давомийлиги ўртасидаги манфий корреляция шундан гувоҳлик берадики, ҚД даги узоқ давом этувчи гипергликемия ва метаболик синдром шоҳ парда сезувчанлигини пасайтириши мумкин. ҚКС кўрсаткичларининг тахлили кўрсатдики, ҚД стажи 10 йилдан юқори бўлган беморлардаги OSDI сўровномаси бўйича субъектив белгиларнинг намоён бўлиши, касаллик давомийлиги 10 йилдан юқори бўлган беморларга нисбатан юқори бўлди ($P < 0,05$). Бунда натижалар ўртасидаги фарқлар ўртача 5-6 баллни ташкил этди. Базал кўз ёш ажралиш кўрсаткичларига ҚД давомийлиги 10 йилдан ортиқ бўлган беморларда сезиларли даражада паст бўлиб чиқди. Касаллик давомийлиги 10 йилдан юқори бўлган беморларда КЕПЕВ белгиларини намоён бўлиши, кўз ёш пардасини турғунлик кўрсаткичлари сезиларли даражада паст бўлди (3- расмга қаранг).

Мейбография натижасида аниқландики, ҚД давомийлигини ортиб бориши билан мейбомиев безлари оқимини пастга тушиши ортади. Демак, агар II гуруҳ беморларида дистрофиянинг ўртача фоиз ва мейболиев безлари оқим тушиши $28,5 \pm 2,5\%$ ташкил этган бўлса, I гуруҳ беморларидаги худди шу каби кўрсаткичлар 1,5 марта юқори бўлади ($P < 0,05$). Ниҳоят, эстезиометрия усули билан шоҳ парда сезувчанлигини тадқиқ қилиш кўрсатдики, монотолали, мм ларда акс эттирилган шоҳ парданинг сезувчанлик кўрсаткичларидаги фарқлар статистик аҳамиятли бўлиб чиқди ($P < 0,05$) ва I гуруҳ беморларидаги шоҳ парда сезувчанлигини II гуруҳдаги ва назорат гуруҳидаги шу каби кўрсаткичлар билан солиштирилганда сезиларли пасайишдан гувоҳлик беради.

ҚДли беморларни мажмуавий текшириш асосида ўрнатилдики, касалликнинг давомийлиги ҚКСни кечишида маълум даражада муҳим рол ўйнайди. ҚД да ҚКСни манифестациясининг асосий ўзига хосликлари бўлиб, асосий касалликнинг жуда оз стажида субъектив белгиларнинг устунликка эга бўлиши ҳисобланади ва шу буюилан бирга касалликни узоқ вақт давом этишида функционал кўз ёш бирлигидаги яққол намоён бўлган объектив тузилмавий ўзгаришларнинг намоён бўлишини мавжудлигида кўзни қуришига оид шикоятларнинг мавжуд бўлмаслиги хосдир. Кейинчалик кўз юзасининг нейропатияси шоҳ пардада метаболик бузилишларни жадаллашишига олиб келади ва мос ҳолда кейинчалик эрозияга учраши билан шоҳ парда эпителийсининг дегенерациясини чақиради. Шундай қилиб, узоқ давомли стаждаги ҚД беморлари кўз юзасини шикастланиши ва LFU дисфункциясини кучайтирувчи узилган ҳалқа юзага келади. Шоҳ парданинг асаб охирларини шикастланиши ва унинг сезувчанлигини пасайиши билан боғлиқ бўлган ҚКСнинг бу каби клиник белгилари ДПН жадаллигини офтальмологик

белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Беморларда ДПН белгиларини пайдо бўлишида шоҳ парданинг дистрофик шикастланиши ва яллиғланишини ривожланиш ҳавфини бартараф этиш мақсадида офтальмологнинг диспансер кўриги зарур.

Диссертациянинг «Қандли диабетли беморларда қуруқ кўз синдромида кўз ёш ўрнини босувчи дори воситаларнинг самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида кўз ёш ўрнини босувчилар гуруҳидан бўлган, таклиф этилган дори воситаларининг самарадорлигини мажмуавий тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Сунъий кўз ёши препаратини бемор томонидан қабул қилинишини ўрганишда томизилган дорига жавоб сифатида субъектив дискомфортнинг мавжудлиги ва намоён бўлиш имконияти, кўришни вақтинчалик хиралашиш жадаллиги ва кўз юзаси бўйлаб препаратни бир текис тақсимланишини субъектив хисси баҳоланди. Тадқиқотнинг мазкур қисмини дастлабки босқичида кўз ёш ўрнини босувчилар гуруҳидаги қиёсий дори воситаларини беморлар томонидан қабул қилиниш профилини урта асосий мезонлар бўйича баҳоланиши ўтказилди: инстиляция вақтида қулайликни ҳис қилиш, кўришни вақтинчалик хиралашиш жадаллиги ва дори воситасини бир текис тақсимланиш хисси. Кўрсатилган белгиларнинг мавжудлиги беморларни субъектив хис қилиши асосида уч балли тизим бўйича баҳоланди: 0-белгиларни мавжуд эмаслиги; 1-енгил даража; 2-ўртача даража; 3-кескин намоён бўлган. Кўришни хиралашишини субъектив хис этиш, препарат томизилганидаги қулайлик ҳолати каби «Кератроп» томизилган беморларда кўпроқ намоён бўлди (3-жадвалга қаранг). Асосий гуруҳидаги беморлар дори томизилгандан сўнг конъюнктивал бўшлиқда препаратни бир текис тақсимланишини қайд этдилар. Бунда кўз ёш ўрнини босувчи препаратларнинг ушбу гуруҳига хос бўлган кўришни хиралашиш белгиси, уларнинг инстиляциясидан сўнг 2-3 дақиқа ўтиб ўз ўзидан бартараф бўлди. «Дори воистасини бир текис тақсимланиш» мезонидаги яққол намоён бўлган фарқ ўзига эътиборни жалбоб этди, у икки тадқиқот гуруҳларида статистик аҳамиятли бўлди. кўрсатилган фарқлар «Кератроп» дори воситасининг таркиби билан боғлиқдир.

3-жадвал


Томизилганда дори воситасини кўтара олиш профилини тавсифловчи кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи

Баҳоланувчи белги	Асосий гуруҳ n=30	Қиёсий гуруҳ n=30
Инстиляция вақтида қулайликни ҳис этиш	2,93±0,25	2,83±0,37
Вақнчалик кўриш хиралашишини жадаллиги	1,2±0,4	1,33±0,47
Препаратни бир текис тақсимланиш хисси	2,93±0,25*	2,53±0,57

Изоҳ: * - қиёсий гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштирилганда фарқлар статистик аҳамиятли (P<0,05);

Шикоятлар ва йиғилган анамнез бўйича ҚҚСнинг субъектив белгиларини баҳолаш учун балли шкала бўйича (0-белгиларни мавжуд эмаслиги; 1-енгил даража; 2-ўртача даража; 3-кескин намоён бўлган)

баҳоланган касалликнинг асосий белгиларини ў 0-белгиларни мавжуд эмаслиги; 1-енгил даража; 2-ўртача даража; 3-кескин намоён бўлган ўртача кўрсаткичларидан келиб чиқиб, субъектив белгиларни баҳолаш ўтказилди. ҚҚС нинг субъектив белгиларини баҳолаш учун мезон бўлиб қуйидагилар ҳисобланди: шамол, тутун, ҳавони кондиционирланишини ёмон кўтара олиш, кўздан ёш оқиши, кўзда қуруқлик ҳисси, ачишиш «кесилгандек» ҳис, кўзга «қум тушгандек» ҳис, кўзга дори томизилганда оғриқ ҳисси.



4-расм. Даволаш негизида қуруқ кўз синдромининг субъектив белгиларининг динамикаси

Беморлардаги ҚҚС ни субъектив белгиларини таҳлили кўрсатдики, барча тадқиқот гуруҳларилдаги 100% беморларда, кўзда қуруқлик ҳисси, тутун, шамол, ҳавони кондиционирланишини ёмон кўтара олиш, ачишиш ҳиссига шикоятлар мавжуд бўлди. Кўз ёш томчилари инсталляциясида кўздан ёш оқиши ва оғриқ мос ҳолда 67,4% ва 34,8% беморларни безовта қилди.

Тақдим этилган 4-расмдаги графикдан кўриниб турибдики, даволашнинг иккинчи кунидан бошлаб, ҳам асосий, ҳам қиёсий гуруҳдаги беморларда субъектив белгиларнинг пасайиш тенденцияси аниқланди. Унинг якуний белгилари билан солиштириш бўйича мазкур кўрсаткичдаги статистик аҳамиятли фарқлар, даволашнинг 5 кунидан бошлаб, фақат асосий гуруҳдаги беморларда аниқланди. Қиёсий дори воситаси бўлган «Слезол»ни қабул қилган беморларда таъкидлаб ўтилган фарқлар, даволашни фақат 15-кундагина аҳамиятли бўлди. ҚҚС нинг ҳам I, ҳам II даражали, асосий ва қиёсий гуруҳининг барча беморларида даволаш натижасида OSDI бўйича касалликнинг субъектив белгиларини ишончли тенглаштирилиши қайд этилди (4-жадвалга қаранг). Кўз ёш ўрнини босувчи дори воситаларини

томизмасдан, фақат гипогликемик даволаш қабул қилган назорат гуруҳ беморларида ҚКСнинг I даражали беморлари гуруҳида касалликнинг субъектив белгилари жадаллигини маълум даражада камайиши, касалликнинг II даражасида эса ижобий динамикани ишончсиз намоён бўлиши аниқланди.

4-жадвал

OSDI маълумотлари бўйича даволаш жараёнидаги субъектив белгиларнинг динамикаси

Кўрсаткич		1 кун	15 кун	30 кун
Асосий гуруҳ (n=33)				
OSDI (Ўртача балл)	I даража	18,15±3,15	14,24±2,12*^	9,23±1,1*^
	II даража	25,3±1,35	19,2±2,2*^	14,3±2,1*^
Қиёсий гуруҳ (n=30)				
OSDI (ўртача балл)	I даража	18,67±2,96	13,86±2,34*^	9,15±1,15*^
	II даража	26,1±1,42	18,8±1,8*^	14,1±1,21*^
Назорат гуруҳи (n=29)				
OSDI (Ўртача балл)	I даража	17,55±3,15	15,86±2,56^	12,46±1,16^
	II даража	26,2±1,22	21,12±1,24^	17,94±1,84^


Изоҳ: * - назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштириш бўйича фарқлар статистик аҳамиятли (P<0,05); ^ - гуруҳдаги дастлабки кўрсаткичлар билан солиштириш бўйича фарқлар статистик аҳамиятли (P<0,05);

Шундай қилиб, ҚД билан боғлиқ бўлган, кўз ёш ажралишидаги бузилишлари бўлган беморларни даволашда препаратни кўтара олиши ва субъектив белгиларга нисбатан кўз ёш ўрнини босувчилар гуруҳидан текширилган дори воситаларининг аҳамиятли даволовчи самараси кўрсатилди. Беморларга томизилганда ўзининг самарадорлиги ва қулайлиги бўйича «Кератроп» воситаси нафақат уларга ўз ўрнини бўшатиб беради, балки шоҳ парда олди пардасига таъсир этиши бўйича хорижий аналогларидан маълум даражада устунликка эга.

Биомикроскопияда ҚКС нинг объектив белгилари даражасини баҳолаш учун кўз олмасининг олд кесмасидаги ўзгаришлар баҳоланди. Конъюктива гиперемияси, 3 балли шкала бўйича (0-белгининг мавжуд бўлмаслиги; 1-енгил намоён бўлиши; 2-ўртача намоён бўлиши; 3-кескин намоён бўлиши) кўз ёш пардасидаги киритмалар ва шиллик иплар кўринишидаги ажратмалар ҳолатида бўлган касалликнинг объектив белгиларининг кўрсаткичлари баҳоланди. ҚКСнинг объектив кўрсаткичларини аниқлаш учун шунингдек


кўз ёшини ажралиб чиқиши (Ширмер синамаси), кўз ёш пардасини ёрилиш вақти (КЁПЁВ) ва мейбографияларни тадқиқ қилиш ўтказилди.

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, даволашнинг 15-кунинан ҳар икки гуруҳда айниқса «Кератроп» ни қўллаш фонида конъюктива гиперемиясига нисбатан сезиларли бўлган ҚКС учун хос бўлган объектив клиник кўрсаткичларнинг ижобий динамикаси юзага келди ($p < 0,05$). Мазкур гуруҳ беморларида кўз конъюктиваси ва кўз олмаси гиперемияси сезиларли камайди, кўз юзасини тўлиқ эпителизацияси, кўз қуруқлигининг ҳар икки гуруҳ даражасида шиллиқ ажратмалар ва эпителиал ишларнинг мавжуд бўлмаслиги қайд этилди (5-расмга қаранг).




5-расм. Даволаш негизида қуруқ кўз синдромининг объектив белгилар динамикаси

ҚКС функционал кўрсаткичларини таҳлили кўрсатдики, даволашнинг 14-кунинда асосий ва қиёсий гуруҳ беморларида кўз пардаси турғунлигининг асосий кўрсаткичи КЁПЁВ кўринишида яхшиланди. Демак, асосий гуруҳ беморларида кузатишларнинг 8-кунинда КЁПЁВ 90% беморларда ишончли яхшиланди, бунда ўртача белгилар қиёсий гуруҳга нисбатан ишончли равишда юқори бўлди. Назорат гуруҳ беморларида кузатишларнинг 8 – кунинда кўрсаткичларни ишончли яхшиланишига қарамасдан, 2-ҳафтанинг охирига келиб, КЁПЁВ кўрсаткичи янада пасайди. Кўз ёшини ажралиши кутилганидек аҳамиятли ўзгармади, чунки «Кератроп» еўз ёши ўрнини босувчи бўлиб ҳисобланиб, кўз ёши безлари ҳолатига таъсир кўрсатмайди (6-7 расмга қаранг).



6-расм. Даволаш негизида кўз ёши ажралишини динамикаси.



7-расм. Даволаш негизида кўз ёш пардасини ёрилиш вақтининг динамикаси.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари кўрсатдики, кўз ёш пардасининг турғунлик кўрсаткичлари яхшиланди. 96,8% ҳолатда ҚҚСнинг ҳар икки даражасида КЕПЕВ ишончли равишда ошди. Кўз ёшини ажралиши ва мейболиев безларининг ҳолати ўзгармади, чунки «Жератроп» кўз ёши ўрнини босувчи бўлиб, кўз ёши ва мейболиев безлари ҳолатига таъсир кўрсатмайди (4-6-расмларга қаранг). Назорат гуруҳидаги ҚҚС нинг биринчи даражали 80% беморларида КЕПЕВ ни ижобий динамикаси қайд этилди, аммо улар барибир асосий гуруҳдаги худди шу каби маълумотлардан ортда қолди. 4-ҳолатда ҚҚС вазияти ўзини қопламади, бу балки ушбу беморлардаги гликемия даражасини ўзгаришлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. ҚҚС нинг II даражаси бўлган назорат гуруҳидаги юзага келган клиник белгиларнинг

ижобий ўзгаришлари ва КЁПЁВ ҳам, кўз ёшини ажралишига таъсир самараси ишончсиз бўлгани каби етарли даражада ишончли бўлмади, «Кератроп» инстиляцияланувчи тажриба гуруҳи беморларида ножўя таъсирлар, асоратлар ва дори воситасин кўтаролмаслик ҳолатлари аниқланмади.

ХУЛОСАЛАР

«Қандли диабет билан оғриган беморларда қуруқ кўз синдромини комплекс даволашни оптималлаштириш» мавзусидаги олиб борилган фалсафа доктори (PhD) диссертацияси тадқиқотлари асосида қуйидаги хулосалар берилиши мумкин:

1. Скрининг натижалари асосида аниқландики, иккинчи типдаги қандли диабетда қуруқ кўз синдроми, аралаш (58%) ва эвапорик (36%) шакллари нинг устунлиги билан текширилган беморларнинг 64%да учрайди.

2. Функционал кўз ёш бирлиги кўрсаткичлари ва лаборатория маълумотларини корреляцион таҳлил қилиш асосида аниқландики, қуруқ кўз синдромининг оғирлиги ва дислипидемия ҳамда гликемиянинг намоён бўлиши ўртасида ишончли корреляцион алоқа мавжуд.

3. Диабетик нейропатиянинг намоён бўлиши ва шох парда сезувчанлигини ўрганиш натижалари асосида ўрнатилдики, ҚКС кечиши иккинчи типдаги қандли диабетнинг давомийлигига боғлиқ. ҚД<10 йил давомийлигида шох парда сезувчанлигини сақланиб қолиши оқибатида субъектив белгиларни объектив кўрсаткичлар устидан устунлиги қайд этилмади; ҚД> 10 йил давомийлигида эса шох парда сезувчанлигини пасайиши оқибатида объектив белгиларнинг устунлиги қайд этилди.

4. Функционал бирлик кўрсаткичларини динамик мониторинги натижалари асосида исботландики, ҳам базавий гипогликемик даволаш, ҳам кўз ёш ўрнини босувчи дори воситалари билан маҳаллий даволашни қамраб олган иккинчи типдаги қандли диабетда ҚКС ни мажмуавий даволаш энг юқори самарага эга.

5. Олинган натижалар асосида иккинчи типдаги қандли диабетда ҚКС ли беморларни юритишни клиник-патогенетик асосланган алгоритми ишлаб чиқилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЦЕНТР ЭНДОКРИНОЛОГИИ**

НАБИЕВА ИРОДА ФАЙЗУЛЛАЕВНА

**ОПТИМИЗАЦИЯ КОМПЛЕКСНОЙ ТЕРАПИИ СИНДРОМА СУХОГО
ГЛАЗА У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ**

14.00.03 – Эндокринология

14.00.08 – Офтальмология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Tib1485

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом центре эндокринологии.

Автореферат диссертации размещен на трех (узбекском, русском, английском (резюме)) языках на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Хайдарова Феруза Алимовна
доктор медицинских наук

Нарзикулова Кумрижон Исломовна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Юсупов Амин Азизович
доктор медицинских наук, профессор

Урманова Юлдуз Махкамовна
доктор медицинских наук

Ведущая организация:

Воронежский государственный медицинский университет им. Н.Н. Бурденко (Росси)

Защита диссертации состоится на заседании Разового Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии, которое будет проведено «05» октября 2021 года в 13⁰⁰ часов. Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фаробий 2. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru. Ташкентская медицинская академия, 1-учебный корпус, Зал для конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № 787). Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фаробий 2. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «15» сентября 2021 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «15» сентября 2021 года).



А.Г. Гадаев

Председателя Разового Научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Научный секретарь Разового Научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук

Б.Х. Шагазатова

Председатель научного семинара при Разовом Научном совете по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сахарный диабет (СД) является одной из важнейших глобальных медико-социальных проблем XXI века. Согласно расчетам Международной федерации диабета (МФД), «...сейчас на планете насчитывается примерно 463 миллионов людей, страдающих СД, но к 2045 году ожидается повышение их количества до 578 миллионов...¹». Метаболические нарушения в организме являются основой развития осложнений СД и одной из главных причин развития синдрома «сухого глаза» (ССГ). На сегодняшний день ССГ является одним из широко распространенных хронических заболеваний глазной поверхности. По данным зарубежных исследований, «...у 35-55% пациентов с СД наблюдается ССГ²». Таким образом, анализ эпидемиологических данных показал, что в настоящее время отмечается не только рост заболеваемости СД, но и увеличение числа случаев развития его осложнений, в том числе офтальмологических, что свидетельствует о том, что необходимость в проведении исследований, направленных на разработку эффективных методов лечения и профилактики глазных осложнений СД является актуальной проблемой для диабетологов и офтальмологов.

